


А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2026 йил январь ойининг 28 куни жиноят ишлари бўйича Норин туман суди “Дўстлик” МФЙдаги “Ёшлар маркази” биносидаги очик сайёр суд мажлисида,

раислик қилувчи: судья Т.Мелибоев,

судья ёрдамчиси Д.Назаров котиблигида, томонлардан Норин туман прокурори катта ёрдамчиси Б.Махмудов, “Umurzakov Abdulxafiz Ibragimovich” адвокатлик бюроси адвокати А.Умурзаков, жабрланувчи
„.....“ жабрланувчининг қонуний вакили
„.....“ фуқаровий даъвогар „.....“ судланувчи
„.....“ иштирокида,



1998 йил 10 июлда Норин туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, мавсумий ишлар билан шуғулланади, Наманган вилояти, Норин тумани, “Бўстон” МФЙ, Увайсий кўчаси, 30-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олганни,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айблашга оид 1-1605-2601/38-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан, „.....“ 2025 йил 25 октябрь куни соат 11.00 ларда онаси „.....“га тегишли “Кобалт” русумли, 50 R 081 GB давлат рақамли автомашинани Норин тумани, “Бобур” МФЙ ҳудудидан ўтган “Ҳаққулбод-Учқўрғон” автомобиль йўлининг 1-километрида бошқариб келиб, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4, 11 ва 77-бандлари талабларини қўпол равишда бузиб, йўлнинг ўзига нисбатан чап томонидан ўнг томонига кесиб ўтаётган пиёда вояга етмаган „.....“ни автомашина олди қисми билан уриб юбориб, унга оғир тан жароҳати етказиб, жабрланган „.....“ни автомашинасида шифохонага олиб кетаётган вақтда Норин тумани, “Яйдоқ” МФЙ ҳудудида жойлашган марказий чорраҳада сфетафорнинг қизил чироғида тўхтамасдан, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 100-банди талабларини қўпол равишда бузиб, ўзига нисбатан ўнг томонда ҳаракатланиб келган „.....“ бошқарувида бўлган „.....“га тегишли “Кобалт” русумли, 50 S 447 MA давлат рақам белгили автомашина билан тўқнашув содир этиб,

Хужжат имзоланган: Мелибоев Талъатжон Бахтиёрович, 16.02.2026



натижада автомашина ҳайдовчиси ,, ушбу автомашина салонидаги йўловчи ,,ни енгил тан жароҳатлари олишига сабабчи бўлганликда айбланган.

Иш бўйича ўтказилган судга оид тиббиёт экспертизаси юзасидан РСТЭИАМ НВФ Норин туманлараро бўлимнинг 2025 йил 25 декабрдаги 1451/840-сонли хулосасида, вояга етмаган ,,нинг баданида оғирлик даражасига кўра ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳатлари мавжудлиги;

РСТЭИАМ НВФ Норин туманлараро бўлимнинг 2025 йил 25 декабрдаги 1455/844-сонли хулосасида, ,,нинг баданида оғирлик даражасига кўра соғлиғини бузилишига сабабчи бўлмаган енгил тан жароҳатлари мавжудлиги кўрсатилган.

Вилоят ИИБ ЭКМнинг 2025 йил 27 декабрдаги 2653/2654-сонли хулосасида, “Кобалт” русумли, 50 R 081 GB давлат рақамли транспорт воситаси ҳайдовчиси ҳодисани олдини олиш учун техник имкониятга эга бўлгани, ҳайдовчининг ҳаракатлари “Йўл ҳаракати қоидалари” 77-бандининг 3-қисми талабларига зид бўлганлиги ва автомобилни ўз вақтида тўхтатиб қолиш йўли билан ҳодисани олдини олиш имкониятига эга бўлганлиги, “Кобалт” русумли 50S447MA давлат рақам белгили транспорт воситасининг олд томони “Кобалт” русумли, 50 R 081 GB давлат рақам белгили транспорт воситасининг ўнг ён томонига теккани ва уларнинг бўйлама ўқлари орқасидаги бурчак 90 ± 5^0 (даража) атрофида бўлганлиги кўрсатилган.

Судланувчи ,, судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмиши оқибатини англаганлиги, жабрланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, бартараф қилганлиги, ҳозирда жабрланувчи, жабрланувчининг қонуний твакили ва фуқаровий даъвогар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили ,, судда, ярашув тўғрисида берган аризасини қувватлаб, ,,га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар қопланиб, бартараф қилинганлиги, аризани ўз ихтиёри билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи ,, судда, ярашув тўғрисида берган аризасини қувватлаб, ,,га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар қопланиб, бартараф қилинганлиги, аризани ўз ихтиёри билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд



томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи „.....“ судда, ярашув тўғрисида берган аризасини қувватлаб, „.....“га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар қопланиб, бартараф қилинганлиги, аризани ўз ихтиёри билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар „.....“ судда, ярашув тўғрисида берган аризасини қувватлаб, „.....“га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар қопланиб, бартараф қилинганлиги, аризани ўз ихтиёри билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчилар „.....“ жабрланувчининг қонуний вакили „.....“ фуқаровий даъвогар М.Исмаилова ҳамда судланувчи „.....“нинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Норин туман прокурори катта ёрдамчиси Б.Махмудов, ҳимоячи А.Умурзаковнинг фикрларини эшитиб, судланувчи „.....“нинг айбига иқрорлиги ва етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб, бартараф қилганлиги, жабрланувчилар, жабрланувчининг қонуний вакили, фуқаровий даъвогар ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи, жабрланувчилар, жабрланувчининг қонуний вакили, фуқаровий даъвогарнинг хоҳиши билан бўлаётгани ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга дахлдорлигини инобатга олиб, „.....“га нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:



